

**ЁШЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЁШ
АВЛОД АДАБИЁТЛАРИНИНГ ЯРАТИШНИ ЎРНИ ВА РОЛИ.
(“ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ” КИТОБ-АЛЬБОМ МИСОЛИДА)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20780862>

Холматов Ҳабибулла Ҳамидуллаевич

*Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университетининг
Қуруқликдаги қўшинлар институти Миллий ифтихор ва
ҳарбий ватанпарварлик кафедраси доценти*

Бугунги глобаллашув шароитида ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва фидойилик руҳида тарбиялаш давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Ҳар қандай давлатнинг келажаги ёш авлоднинг маънавий-ахлоқий камолоти, миллий онги ва ватанпарварлик туйғуларининг қай даражада шаклланганлигига боғлиқ. Шу боис ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларга ҳурмат ва фуқаролик масъулияти руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу жараёнда ёшлар учун яратилган бадиий, тарихий ва маърифий адабиётлар алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, миллий қаҳрамонлар, ҳарбийлар ва Ватан ҳимоячилари ҳаётига бағишланган китоблар ёшларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади.

Адабиёт инсон қалби ва онгига таъсир этувчи энг кучли маънавий воситалардан биридир. Китоблар орқали ёшлар халқ тарихи, миллий қаҳрамонлар ҳаёти, аجدодлар мероси ва Ватан тақдири ҳақида билимга эга бўладилар.

Ёшлар адабиётининг асосий вазифалари:

Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш;

миллий ғурур ва ифтихорни кучайтириш;

тарихий хотирани сақлаш;

миллий ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш;

фуқаролик масъулиятини оширишдир.

Тарихий асарлар ва қаҳрамонлар ҳақидаги китоблар ёшларга ўз халқининг бой тарихи ва маданиятини англаш имконини беради. Бу эса миллий ўзликни шакллантиришга хизмат қилади. Миллий ўзликни англашга ёрдам беради

Қахрамонларга ҳавас уйғотади. Амир Темур, Жалололиддин Мангуберди, Захириддин Муҳаммад Бобур каби тарихий шахслар ҳақидаги асарлар ёшларда жасорат, матонат ва Ватанга садоқат туйғуларини тарбиялайди.

Фуқаролик позициясини шакллантиради. Ватан равнақи ва халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш, жамият ҳаётида фаол иштирок этиш ғоялари адабиёт орқали ёшлар онгига сингдирилади.

Маънавий иммунитетни мустаҳкамлайди. Миллий руҳда яратилган адабиётлар ёшларни турли ёт ғоялар ва маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ёшлар учун яратилаётган китоблар, китоб-альбомлар, тарихий-бадий асарлар, хотиралар ва ҳужжатли тўшамлар ватанпарварлик тарбиясининг муҳим воситасига айланмоқда. Уларда мустақиллик, тинчлик, миллий қадриятлар ва Ватан ҳимоячилари фаолияти кенг ёритилмоқда.

Шу нуқтаи назардан, "Ватан фидойилари" китоб-альбоми ёш авлодни миллий гуруҳ, жасорат ва фидойилик руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган муҳим маънавий-маърифий манбалардан бири ҳисобланади.

"Ватан фидойилари" китоб-альбоми мамлакат мустақиллиги, тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилган ҳарбийлар, Ватан ҳимоячиларининг ҳаёти ва фаолиятини ёритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва ғоялари билан ташкил этилган миллат фидойилари хиёбонда Мудофаа вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва унинг таркибидаги чегара кўшинлари, Ички ишлар вазирлиги, Миллий гвардия, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Бош прокуратура тизимида фаолият юритиб, Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган 196 нафар ҳарбий хизматчиларнинг номлари абадийлаштирилди.

Дарҳақиқат, 1999-йилдаги февраль воқеалари ҳам минтақада террорчилик ҳаракатлари фаоллашаётганини кўрсатарди. 1999-йил август–сентябрь ойларида Қирғизистон ҳудудида халқаро террорчилар маркази яқсон қилинишида, 15-ноябрь куни Тошкент вилоятидаги Янгиобод шаҳрига кириб олган террорчиларни йўқ қилишида Мудофаа вазирлиги махсус операцияларни амалга оширувчи кучлар батальони ҳарбийлари муносиб иштирок этди.

2000 йилда Ўзбекистонда қўпорувчилик ҳаракатларини амалга ошириш орқали Марказий Осиё минтақасида барқарорликка путур етказиш, наркотик ва қурол-яроғ олиб ўтиш учун йўл очиб мақсадида Тожикистондан тоғлар орқали Ўзбекистонга махсус тайёргарликдан ўтган террорчиларнинг катта гуруҳи кириб келди.

Ёвуз ниятли бу жангарилар кўпчиликини ташкил этиши ва кичик гуруҳларга бўлиниб ҳаракатланаётгани, шунингдек, тоғ шароити туфайли горлар, ковакларга яшириниш қулайлиги жанговар операция узокроқ давом этишини таъминлади.

Август ойининг иккинчи ўн кунлигида, асосий кучлар Сурхондарёдаги жангларда қатнашаётган бир шароитда яна бир гуруҳ террорчилар Тошкент вилоятининг тоғлик ҳудудларига киришга ҳаракат қилди.

2000 йил август-сентябрь ойларида олиб борилган операциялар давомида Мудофаа вазирлиги бўлинмалари, чегара қўшинлари ва Ички қўшинлар таркибида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг чинакам ватанпарварлиги намоён бўлди. Улар – юрт мустақиллиги, сарҳадлар дахлсизлиги, эл тинчлиги, миллат келажаги учун ўз жонларини ҳам беришга тайёр баҳодир замондошларимиздир. Террорчилар ҳар қанча ҳаракат қилишмасин, баҳодир юртдошларимиз Ватаннинг ҳар бир қаричи учун жанг қилишдан тўхташмади. Йўқотишлар ҳам бўлди. Ниҳоят, жангарилар батамом йўқ қилинди, осмонимиз мусаффолиги таъминланди.

2001-йил июлида Сарисий туманига тушган кам сонли террорчилар, 2005-йил майида бўлиб ўтган Андижон воқеаларида ҳам Ватан қасамёдига содиқ қолган мард ўғлонлар орасида ҳалок бўлганлар бор эди.

Таъкидлаш керакки, жанговар оловли нуқталарда ўзини кўрсатган ҳарбийларимизнинг ҳаракатлари, жонини фидо этган ботирларимизнинг жасорати сабаб осмонимиз мусаффо, қалбларимизда сурур, юртимиз мустақил!

Бу мард ўғлонлар – нафақат, ўз даврининг балки, абадиятга дахлдор қаҳрамонлар бўлиб қолишди. Чунки, Ватан учун, юрт мустақиллиги учун, миллат ори учун метин қалқон бўлган ўғлонларнинг номлари ҳеч қачон унутилмайди.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни ҳимояси йўлида ҳалок бўлган бу азиз юртдошларимизнинг таржимаи ҳолларига назар солинса улар – орамиздаги оддий одамлар бўлишгани, бири қувноқ, бошқаси камгап бўлгани, онасига меҳрибон, яқинларига суянч бўлганини кўриш мумкин. Айни дамда Ватан ҳимоясини шарафли бурч сифатида қарашлари, ўз тану қалбларида доим Ватан ва халқ олдидаги масъулиятни ҳис қилишлари, Ватан тақдирига дахлдорлик, бу йўлдаги азму шижоатлари, мустаҳкам ҳаётий позиция уларга улуғворлик бахш этади. Бир сўз билан айтганда улар тану жонларида, елкаларида Ватаннинг юки, ишончу шарафи борлигини тушуниб яшашди. Ана шундай қараш билан ўтган ҳар бир умр эса боқийдир!

Ватан олдидаги бурчини адо этиш пайтида мардларча ҳалок бўлган юртдошларимизнинг хотираларини абадийлаштириш, уларнинг оиласи ва яқинларига гамхўрлик кўрсатиш борасида ишлар 2000-йилдан бошлаб олиб борилган. “Миллат фидойилари” ва бошқа номларда китоблар чоп этилди, фильмлар сурагга олинди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти – Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан бу борадаги ишлар янада кучайтирилиб, янги босқичга кўтарилди. Бевосита Олий Бош Қўмондоннинг таклифи билан 2018-йили “Мард ўғлонлар номи барҳаёт” хотира китоби чоп қилинди. Шу билан бирга террорчилар билан жангларда мардлик кўрсатган, аммо, аввал тақдирланмаган марҳум ҳарбийлар Давлат мукофотларига муносиб деб топилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 ва 2021 йиллардаги фармойишларига асосан мактабларда марҳум ҳарбийларнинг бюстлари ўрнатилди. Улар таҳсил олган ҳарбий таълим муассасаларида, мактабларда Хотира бурчаклари ташкил этилди. Вилоят марказларидаги Ватанпарвар боғларида уларнинг номлари мрамор тошга қайд этилиб, абадийлаштирилди.

Шунингдек, Президент томонидан 2023 йил 13 мартда “Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чоратadbирлари тўғрисида” Фармон қабул қилинди.

2024 йил 8 май куни Президент Ғалаба боғига ташрифи чоғида Ватан, миллат, мустақиллик йўлида қурбон бўлган мард ва жасур юртдошларимизнинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида хиёбон ташкил этиш таклифини билдириб, янги хиёбон лойиҳалари билан танишди.

Лойиҳага кўра мажмуадаги ёдгорликлар давлат байроғидаги ярим ой ва юлдузларни ифода этишида ҳам рамзий маъно бор. Зеро, мусаффо осмон узра мустақил Ўзбекистон байроғининг ҳилпираб туришида шу мард ва жасур ўғлонларнинг жони фидо бўлган.

“Миллат фидойилари” китобнинг тарбиявий аҳамияти куйидагиларда намоён бўлади:

1. Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантиради

Китобда келтирилган ҳаётий мисоллар, қаҳрамонлик намуналари ёшларда Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини уйғотади. Улар ўз юртига садоқат билан хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи эканлигини англаб етадилар.

2. Қахрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатади

Китоб-альбомда акс эттирилган қахрамонларнинг матонати, жасорати ва фидойилиги ёшлар учун ибрат мактаби вазифасини бажаради. Бу эса уларни кийинчиликлардан кўркмасликка, масъулиятли бўлишга ундайди.

3. Миллий ғурур ва ифтихорни мустаҳкамлайди

Ватан равнақи ва халқ осойишталиги учун хизмат қилган инсонлар ҳақидаги маълумотлар ёшларда миллий ғурур туйғусини кучайтиради ҳамда ўз халқи ва давлатининг тарихи билан фахрланиш ҳиссини тарбиялайди.

4. Тарихий хотирани сақлашга хизмат қилади

Китоб ёш авлодни мамлакат тарихи, мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари билан таништиради. Бу эса тарихий хотирани мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ёшлар тарбиясида адабиётларнинг ўрни

Ёшлар учун яратилган адабиётлар:

маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтиради;

миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиради;

тарихий онг ва миллий ўзликни шакллантиради;

мустақил фикрлаш кўникмаларини ривожлантиради;

фуқаролик позицияси ва ижтимоий масъулиятни мустаҳкамлайди.

Айниқса, қахрамонлик мавзусидаги китоблар ёшларнинг ҳаётга бўлган муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни кайдлаш жоизки “Миллат фидойилари” китоб-альбоми ёшларни ватанпарварлик, фидойилик, миллий ғурур ва масъулият руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутаяди. Унда акс эттирилган қахрамонлик намуналари ёш авлод учун маънавий-маърифий мактаб бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бундай адабиётларни яратиш, кенг тарғиб қилиш ва таълим-тарбия жараёнида самарали фойдаланиш баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Ёшлар учун адабиётлар яратиш ватанпарварлик тарбиясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бундай асарлар ёш авлодда Ватанга мухаббат, миллий ғурур, тарихий хотира ва фуқаролик масъулиятини шакллантиради. Шунинг учун ҳам ёшлар учун миллий руҳдаги адабиётларни яратиш, нашр этиш ва кенг тарғиб қилиш баркамол ва ватанпарвар авлодни тарбиялашнинг муҳим шартидир.

Олий Бош Қўмондоннинг бу ташаббусларидан келиб чиққан ҳолда “Аждодлар изидан” ҳарбий-тарихий жамияти “Миллат фидойилари” туркумидан Мудофаа вазирлиги тизимидан Ватан химояси ва эл-юртимиз

тинчилиги йўлида ҳалок бўлган 23 нафар аскар ва зобитлар ҳақида китоб-альбом тайёрлади.

Китоб-альбомни тайёрлаш жараёнида оилаларда ҳамда Мудофаа вазирлиги марказий архивида сақланаётган ҳужжатлар, суратлар, яқинлари ва сафдошларининг хотиралари асосида халқимизнинг шонли фарзандлари ҳаёт йўлини кенгрок ёритиб беришга ҳаракат қилинди.

Зеро, Олий Бош Қўмондон таъкидлаганидек, миллатимиз фидойилари “ўзларининг жасорати ва ўчмас номлари билан эл-юртимиз калбида ҳамиша барҳаёт яшайди, жанговар сафларда уларнинг ўрни, азиз хотираси ҳеч қачон йўқолмайди”.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати:

1. «1941-1945 йиллардаги урушда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик куриш ва уни нишонлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 март Фармони. 3/Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1993-1995 йй.). - Т.: Адолат. 3-китоб. 1995. -256- б.

2. «1941-1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни ғалаба куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 6 май Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1993-1995 йй.). - Т.: Адолат. 3-китоб. 1995. -256- б.

3. «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини ва мамлакат ичкарисида ишлаган меҳнаткашларни фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги байрами муносабати билан мукофотлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 апрелдаги ПФ 1100-рақамли Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995- 1999 йй.). 4-китоб. - Т.: Адолат. 2000. -680- б.

. «9 майни Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 2 март Фармони. //Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари (1995-1999 йй.). 4-китоб. - Т.: Адолат. 2000. -680- б. 165